

МИСТИК РЕАЛИЗМ ФЕНОМЕНИ ЛОТИН АМЕРИКА АДАБИЁТИ МИСОЛИДА

Нилуфар Элибоевна МУХАММЕДОВА

PhD, доцент

Инглиз тили интеграллашган курси кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ФЕНОМЕН МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА В ЛАТИНОАМЕРИКАНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Нилуфар Элибоевна МУХАММЕДОВА

PhD, доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

MAGICAL REALISM IN LATIN AMERICAN LITERATURE

Nilufar Eliboyevna MUKHAMMEDOVA

PhD, Senior Teacher

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan nilufarmuhammedova@yahoo.com

UDC (УЎК, УДК): 821.134.2(8)

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Мухаммедова Н.Э. Мистик реализм феномени
Лотин Америка адабиёти мисолида //
Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. —
№ 4 (39). — Б. 168-178.

<https://doi.org/10.36078/1634118577>

Received: July 06, 2021

Accepted: August 17, 2021

Published: August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақола XX аср жаҳон адабиётида шаклланган мистик реализм тарихини ҳамда унинг элементларини муайян асарлар таҳлили асосида ўрганишга бағишланган. Мистик реализм элементлари илк бор XX аср Лотин Америкаси адаблари романларида кузатилди ва адабиётшунослар эътиборини тортди. Мистик реализм атамаси тадқиқотчилар ўртасида қизгин мунозараларга сабаб бўлди ва илмий адабиётларда мазкур атама феномен сифатида эътироф этилди. Ушбу атама илк бор Европа санъатшунослари томонидан XX аср бошларида илмий муомалага киритилган бўлса-да, у ижодий метод сифатида шаклланмади. Лотин Америкаси адабиётида мистик реализм элементларидан фойдаланиб яратилган романлар олимлар томонидан тадқиқ этила бошлади. Ушбу мақолада Лотин Америкаси адаблари Алехо Карпентьер ва Мигель Анхель Астуриас романлари асосида мистик реализм элементларини, ёзувчиларнинг мистик реализмга уйғунлашган бадиий услубини аниқлаш мақсад қилиб олинган. Муаллиф мистик реализм атамасининг келиб чиқиш тарихи, ўзига хос белгилари ва романлардаги ифодаси ҳамда ҳар бир ёзувчининг ўзига хос бадиий услубига эътибор қаратган. Мигель Анхель Астуриаснинг “Маислик одамлар” ва Алехо Карпентьернинг “Шу олам салтанати” романларини ўрганиб, ушбу асарларда тадқиқ этилаётган адабий йўналиш элементларининг қўлланилишига хос муҳим жиҳатларни кўрсатиб берган.

Калит сўзлар: мистика; реализм; проза; Лотин Америкаси адабиёти; маданият; анъана; қадрият; ривоят.

Аннотация. В статье посвящена изучению истории развития магического реализма в мировой литературе XX века и анализа элементов романов латиноамериканских писателей. Элементы магического реализма в романах латиноамериканских писателей XX века становятся темой изучения для литературных критиков. Термин «магический реализм» вызвал горячие дискуссии среди литературных критиков и был назван феноменом в литературоведении. Хотя термин «магический реализм» был впервые введен европейскими искусствоведами, он не был разработан как литературное направление в литературе. В латиноамериканской литературе писатели создали романы, в которых демонстрировались элементы магического реализма, и их творческие работы стали темой научных исследований. Цель статьи – выявить элементы магического реализма в романах латиноамериканских писателей Алехо Карпентьера и Мигеля Анхеля Астуриаса и их стиль письма, отражающий магический реализм. В статье основное внимание уделяется происхождению термина «магический реализм», его специфическим особенностям и различному стилю письма писателей. В статье показано, как особенности магического реализма представлены в романах Мигеля Анхеля Астуриаса «Маисовые люди» и «Царство земное» Алехо Карпентьера.

Ключевые слова: мистика; реализм; проза; латиноамериканская литература; культура; традиция; легенда.

Annotation. The article deals with the history of magical realism developed in the XX century World Literature and the study of its elements based on the novel analysis. The elements of magical realism were observed in the novels written by Latin American writers of the XX century that drew the attention of literary critics. The term “magical realism” raised hot discussions among literary critics and it was called as a phenomenon in the literary studies. Though the term “magical realism” was first introduced by European art critics, it was not developed as a literary direction in literature. In Latin American literature writers produced novels that demonstrated elements of magical realism and their creative works became the topic of research studies. The purpose of the article is to identify the elements of magical realism in the novels of Latin American writers Alejo Carpentier and Miguel Ángel Asturias and their writing style that reflect magical realism. The paper focuses on the origins of the term magical realism, its specific features and different writing style of the writers. The article demonstrates how the features of magical realism are presented in the novels “Men of Maize” by Miguel Ángel Asturias and “The Kingdom of This World” by Alejo Carpentier.

Keywords: magical; realism; prose; Latin American literature; culture; tradition; legend; beliefs.

Кириш. Мистик реализм XX аср жаҳон адабиётда бир қатор асарлар ижодий методига нисбатан қўлланаётган атамдир. Атама этимологияси ва типологик аспекти жаҳон адабиётшуносларининг муҳокама мавзусига айланган. Мистик реализм масаласига Л. И. Мальчуков, Ю. В. Захарова, А. Б. Чанади, А. А. Гугнин, Мэгги Энн Бауэрс, Ирэн Гуэнтер, Ханна Гилхамм, С. Слэмон каби адабиётшунос олимлар тадқиқот ишларида мурожаат қилганлар. Тадқиқотчилар мистик реализмга бағишланган илмий асарларида атама маъносига оид турли хил фикрларни айтганлар. Тадқиқотчиларнинг аксарият қисми “мистик реализм” ҳодисасини реализм методининг сеҳр, фантастика, жоду каби тушунчалари билан боғлайдилар. А. А. Гугнин

мистик реализм феноменига бағишланган тадқиқотида уни XX аср санъатининг (нафақат адабиёт, балки тасвирий санъат) асосий қисми эканлигини таъкидлайди. Тадқиқотчининг фикрича, “мистик реализм” атамаси илк бор немис санъатшуноси Франц Ро томонидан 1923 йили “Карл Хайдернинг талқин қилиш муаммосига оид. Постэкспрессионизм ҳақида фикрлар” номли мақоласида қўлланилган. 1925 йили мазкур атама Франц Ронинг “Постэкспрессионизм. Мистик реализм. Энг янги Европа санъати муаммолари” китоби нашрдан чиққач, янада қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

“Мистик реализм” реализм методини кескин ўзгартирди ва шу билан бирга уни тўлдирди ҳам, унда тасаввурнинг ўзгача тамойиллари асосий вазифани ўтади. Реализм ва фантастиканинг уйғунлиги одатийликдан “ғаройиб, сирли ҳодиса”нинг келиб чиқиш таассуротини беради. Реал ва ҳаёлий ҳодисалар ўртасидаги фарқ ва чегара кўринмайди. Реалистик ва фантастик элементларни уйғунлаштирган ҳикоя услуби ва турли маданий анъаналарга мурожаат этиш XX аср мистик реализмининг гибрид табиатини акс эттиради. Таъкидлаш керакки, мазкур феномен глобаллашув ва маданиятларнинг ўзаро таъсирини акс эттирди, натижада мистик реализм методи табиатига кўра кўпмаданиятликни ифодалади. Мистик реализмнинг мана шу белгиси XX асрнинг иккинчи ярмида, яъни жаҳонда мустамлакачилик жараёни тугаб, давлатлар мустақиллигига эришгач вужудга келди. У янги мустақил мамлакатларнинг ўзига хос маданиятини акс эттирди, кўпмаданиятлик унинг асосий манбасига айланди. Адабиётда мистик реализм намоёндалари сифатида Х. Л. Борхес, М. А. Астуриас, А. Карпентьер, Г. Гарсиа Маркес ва бир қанча немис, австриялик ҳамда бельгиялик ёзувчиларни келтириш мумкин. Лотин Америкалик ёзувчи Алехо Карпентьернинг “Шу олам салтанати” (*El reino de este mundo*, 1949) ва Мигель Анхел Астуриаснинг “Маис одамлари” (*Hombres de maíz*, 1949) романлари мистик реализм хусусиятларини акс эттирган илк асарлар сифатида тан олинди.

Асосий қисм. XX аср ғарб адабиётининг характерли тенденцияларидан бири сифатида ривожланган мистик реализмнинг илк намунаси Лотин Америка адабиётида яратилди. Мазкур методни ўрганган адабиётшунос А. Флорес 1995 йили эълон қилган “Испан-америка бадий насрида мистик реализм” мақоласида Лотин Америкалик бир неча ёзувчининг асарлари поэтикаси хусусиятларини тавсифлайди, уларда бир неча эстетик тамойилларнинг ўхшашлигини, “муаллифлар услубни сақлаган ҳолда кундалик воқеаларни фантастик ва нореал ҳодисага айлантирган”ликларини таъкидлайди (4, 114). Тадқиқотчи Лотин Америкасидан чиққан Х. Л. Борхес, А. Биоф Касарес, Э. Мальеа, Э. Сабато, С. Окампо, Х. Кортасар, Х. Руйфо, Х. К. Онетти каби ёзувчилар ижодига “мистик реализм” намунаси сифатида баҳо беради. Уларнинг асарларида Лотин Америкаси ўз ифодасини топган, ўзига хослигини намоён қилган дея изоҳ берди. Адабиётшунос Л. Бетеллинг фикрича, мистик реализм Лотин Америкаси адабиёти услубининг универсал хусусиятига айланди (1, 160) ва мазкур феномен сўнги ўн йилликда ўз минтақасининг маданий чегараларидан чиққанлигини кузатишимиз мумкин, деб таъкидлайди.

XX асрда мустақилликка эришган мамлакатлар адабиётида мистик реализм “муҳим маданий ўзгаришлар учун бадий асос яратди”. Миллий урф-одатлар, турли маросим ва анъаналар асосида адабиётлар пайдо бўлди ва улар ҳақиқий асар яратиш учун манба бўлиб хизмат қилди (3, 1). Шу боис, замонавий Ғарб, Африка, Жанубий-шарқий Осиё, Хитой,

Япония ва Россия халқлари адабиётида мистик реализмга бағишланган тадқиқот ишлари пайдо бўлди (17; 18; 2; 5). Адабиётшунос Ш. Шродернинг таъкидлашича, “мистик реализм бу халқаро ҳодиса, унда миллат ва тил бўлмайди, у мавжуд адабий анъаналарга асосланади” (10, 4). Мистик реализмнинг турфа хиллигини инobatга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, жаҳон адабиётида мазкур йўналишнинг шаклланиш аспектидан бири бу унинг урушдан кейинги ғарбий Германияда мавжуд бўлган ижтимоий ва адабий вазият билан боғлиқлигидир. 1940-йиллари немис адабиётида кундалик ҳаётнинг “сеҳрли ва сирли”лигини фольклор анаъаналари билан уйғунлаштирган феномен пайдо бўлди ва замонавий адабиётшуносликда “мистик реализм” деб юритилди. Немис адабиёти тадқиқотчиси А. А. Гугнин немис мистик реализми генезисини романтизм ва экспрессионизмдан излаш керак дея таъкидлайди. Романтизм намояндalари – Э. Лангессер, Э. Кройдер, Г. Э. Носсак ва бошқалар “космос, табиат ва инсон жамиятининг мистик кўриниши фалсафаси ва поэтикасини ишлаб чиқдилар. Бунда инсон фаолияти бўйсунувчан характерга эга, космик иерархиясида мақсад ва маънони инсон тушунишдан йироқдир” (12, 104-105). Бадиий тафаккур, эстетик ва поэтик воситалардаги муайян ўхшашликларга қарамай, немис “мистик реалистлари” мазкур ҳодисани адабий йўналиш сифатида шакллантирмадилар. Мистик реализмнинг Лотин Америка адабиётида шаклланиши, унинг халқаро миқёсдаги таъсири “маҳаллий” характерга эга бўлган немис мистик реализмини “иккинчи планда” қолдирди. Европа мистик реализми асосини эстетика, бадиий воситалар ташкил этди, “Лотин Америкасидаги “мистика” эса реал дунёқараш, мавжудлик тамойилига асосланди. У доимий ривожланаётган метаморфоза тартибда яшайди, у “мос келмайдиган”, мисли кўрилмаган антропологик, маданий ва бошқа шу каби комбинацияларни вужудга келтирди” (13, 6).

Лотин Америкаси мистик реализми ўзига хос белгилари, атроф-муҳитни фольклор-мифологик тарзда ифодалаш билан ажралиб туради. Адабиётшунос В.Б.Земская фикрича, мистик реализм романи Европа ва Европага хос бўлмаган контекстларни синкретлаштиришнинг турли хил вариантлари асосида шаклланди. Мистик реализм романи предметини қитъа туб аҳолисининг ва Африка мамлакатлари муҳожирларининг бой мифологияси ташкил этди. Фантастика ва реализм элементларини ўз асарларида моҳирона уйғунлаштира олган XX аср адиблари орасида аргентиналик Хорхе Луис Борхесни (1899–1986), Адольфо Бийо Касаресни (1914–1999), Эрнесто Сабатони (1911–2011), Хулио Кортасарни (1924–1984), уругвайлик Хуан Карлос Онеттини (1909–1994), мексикалик Хуан Рульфони (1917–1986), Карлос Фуэнтесани (1928–2012) ва Лаура Эсквивельни (1950 й.т.), кубалик Хосе Лесама Лимани (1910–1976) ва Алехо Карпентьерни (1904–1980), бразилиялик Жоржи Амадуни (1912–2001), колумбиялик Габриэль Гарсия Маркесни (1927–2014), гватемалалик Мигель Анхель Астуриасни (1899–1974), чилиялик Исабель Альендени (1942 й.т.), перу-испан ёзувчиси Марио Варгас Льяосани (1936 й.т.) келтириш мумкин. Мазкур ёзувчиларнинг асарлари мистик реализм элементларини намоён этди. Лотин Америкаси хиндуларининг маданияти ва урф-одатларини тасвирлаш орқали китобхонларда қизиқиш уйғотган асарлари учун 1967 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган гватемалалик ёзувчи Мигель Анхель Астуриаснинг “Маис одамлари” (*Hombres de maíz*, 1949) ва кубалик адиб Алехо Карпентьернинг “Шу олам салтанати” (*El reino de este mundo*, 1949) романларини мистик реализм йўналишида ёзилган йирик

асарлардир. Лотин Америкаси адабиёти тадқиқотчиси Ж.Мартин “Маис одамлари” романини “мистик реализм методида ёзилган илк буюк асар” деб номлади (7, 4).

Кубалик адиб А.Карпентьер (1904–1980) “Шу олам салтанати” (El reino de este mundo, 1949) асарининг кириш сўзида Лотин Америкаси ҳаётини талқин этишидаги янги адабий ёндашув тамойилларини асослайди ва нафақат илк романининг прологига айланган, балки Лотин Америкаси прозасида янги босқични ифодалаган “сирли/ғаройиб ҳақиқат” концепциясини таклиф этади. Ёзувчи эстетик тушунчасининг асосини ҳаётда учрайдиган “сеҳрли” ёки “сирли” тушунчалар ташкил этади. Алехо Карпентьер учун адабиётнинг вазифаси – сеҳрга бой ҳақиқатни яратишдир. Муаллифнинг бу ҳақиқати Лотин Америкасининг ўзига хос бадиий ва мафкуравий онгини тўғри акс эттиришга асосланади. Ёзувчи ўз фикрини шундай ифодалайди: “Мен Гаити табиатининг ҳақиқий жозибасини ҳис қилганман, буни бўрттириш деб ўйламанг. Мен текисликнинг қизил тупроқ йўлларида сирли белгиларга дуч келардим. Таққослашга тўғри келарди: бир тарафда менга энди намоён бўлаётган сеҳрга, сирга тўла ҳақиқат, бошқа тарафда эса самарасиз уринишлар “мева”сига тўла ғаройиб олам”.

“Шу олам салтанати” (El reino de este mundo, 1949) романи XVIII аср ва XIX аср бошларида Гаитида содир бўлган воқеаларни тасвирлайди. Асарнинг ўзига хос бадиийлиги “воқеаларнинг ўзаро диалектик таъсири”да ифодаланган (15, 30). Муаллиф сўзбошида китобхонни шундай огоҳлантиради: бир томондан китоб реал воқеаларга асосланган, бошқа тарафдан эса, “воқеаларда сеҳр, сир-унсурни кўрасиз” (14, 53). Мифологик план билан бирга мазкур романда ижтимоий-тарихий воқеалар, яъни Гаити халқининг оқ танлиларга қарши олиб борган озодлик кураши тасвирланган. Ёзувчи романдаги воқеалар реаллигига урғу берар экан, “тарихий ҳақиқатга содиқлик нафақат тасвирда, балки персонажлар исмида, кўчалар номида, бўлиб ўтган вақтида ҳам сақланган”. Гаитининг фожиали ўтмишига мурожаат қилган ёзувчи воқеаларни номаълум қул Ти-Ноэль номидан ҳикоя қилади ва асарига Ти-Ноэль орқали қадимги ҳиндуларнинг маданий урф-одатларини, аҳолининг эътиқодини сингдиради. Учинчи шахс тилидан ҳикоя қилинган Гаитидаги ижтимоий ғалаёнлар тарихий ҳақиқат бўлса-да, учинчи шахс тилида уларнинг тасвири, ҳикоя қилиш услуби эртакни эслатади. Ёзувчи маҳаллий аҳолининг ҳаётни мифологик тарзда ҳис қилишини рационал тарзда ўзгартиради, миллий озодлик курашларини бевосита иштирокчилар тилидан тасвирлайди ва шу орқали Лотин Америкасининг объектив манзарасини яратади. Мистик реализм асарларига хос бўлган мана шу хусусиятни адабиётшунос А.Ф. Кофман атамасига кўра “бадиий ракурсларнинг уйғунлиги” деб изоҳлаш мумкин. Бунда “тараққий этган” онг мифологик дунёқарашни англайди ва таққослаганда ўзини қайта кашф этади” (16, 492). Турли хил тафаккурларнинг, тараққий этган ва мифологик онгнинг уйғунлиги бир қўлли исёнчи Макандалнинг ўлими сахнасида акс этади. Мазкур образда муаллиф XVIII асрнинг реал тарихий шахси Франсуа Макандал образини яратади: у Гаити қуллари исёнининг раҳбари ва афсонага кўра ҳайвон қиёфасига кира оладиган, сеҳр қила олиш қобилиятига эга бўлган мифологик қаҳрамондир. Ҳикоя қилиш услубининг ўзгариши қора танли қуллар ва оқ танлилардаги мифологик ва рационал дунёқарашни акс эттиради. Адиб ҳар бир дунёқарашни ҳикоя қилиш мақсадида бирор-бир қўшимча изоҳ ҳам киргизмайди. Жумладан, Макандалнинг ўлим жазоси эпизодининг икки хил талқинини тасвирга олади. Қуллар ўз

рахбарининг сеҳр қилиш қобилиятига ишонадилар, у ниначига айланиб мохирлик ила оқ танлиларни алдаганида кулишади. “Арконлар ерга тушиб кетди, негрнинг танаси ҳавога кўтарилди ва қуллар тепасида учиб қора танлилар орасида ғойиб бўлди” (14, 65). Оқ танлилар қора танлиларнинг бундай ўлим қаршисидаги қувончидан нафратланишади, улар учун бу исёнчининг азобли ўлими эди. “Олов қора танлининг сочларини кучоқлаб, овозини пасайтирган ҳолда юқорига кўтарилди”. Реалистик ва фантастик элементлар уйғунлиги ўзига ҳос бадиий воситани яратган. Мана шундай икки тафаккурнинг илдизларини ўрганган адиб, Европа ва Яқин Шарқ халқлари маънавиятининг мифологик асосларини, уларнинг боғлиқлигини кашф этди (15, 106). Алехо Карпентьер африка фольклори билан чегараланмайди, у роман “сеҳри”ни кенгайтириш мақсадида кўплаб антик ва диний ҳикояларни киргизади ва натижада жаҳон маданий контекстини яратади. Асарнинг “Кемадаги догон¹” боби Гаити тарихини ёдга солади: ғолиблар худосига сиғиниш инқирозга учраган, бироқ мана шу ҳурмат доирасида улар аввалги худоларга сиғинадилар. Макандалнинг ҳайвон қиёфасига ўзгара олиш қобилияти ҳақидаги “Метаморфозалар” боби Овидийнинг “Метаморфозалар”и ва Ф. Кафканинг “Эврилиш” ҳикояси билан ўхшашлигини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, метаморфоза ғояси қаҳрамон мифологик онгининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Роман қаҳрамонлари Макандал ҳам, Ти Ноэль ҳам ўз хоҳишига кўра ҳайвон қиёфасига кира оладилар. “Бошқа қиёфага айланиш жараёнида Макандал ҳашаротларнинг сирли оламига кирарди. Шунда кўли ўрнига оёқлар, қаттиқ қоламалар, қанотлар ёки узун мўйловлар ўсиб чиқарди” (14, 65). Бироқ Макандалнинг ҳайвон қиёфасига айланиш жараёни Ти Ноэликдан фарқ қилади. Ти Ноэлда инсон оламидан қочиш истаги кучли. Асарнинг сўнгги бобида Ти Ноэль курашлардан, исён ва доимий оғир ишлардан чарчайди, у мазлум ва золимлар ўртасидаги зиддиятларни англайди ва ғозга айланади. Ти Ноэлни бундай хатти-ҳаракатини ғозлар тўдаси унинг ожиз табиатига, кўрқоқлигига йўйиб, уни қабул қилмайдилар. Ти Ноэлдан фарқли равишда, Макандал ғаройиб қобилиятидан халқининг манфаати учун фойдаланади. Ти Ноэль қобилиятининг кинояли маъносини Худога илтижо қилганида англайди, яъни “инсон бошидан кечирган азоб-укубатларда, ҳар қандай қийинчиликларда ўзлигини йўқотмаса, у фақат шу замин салтанатида ўз буюклигини топиши мумкин”.

Ҳикоя қилиш оҳанги Алехо Карпентьер яратган сеҳрли, ғаройиб олам турфа рангларда ва зиддиятларда кўринади. Тарихий воқеаларнинг мифологик тафаккур орқали талқин этилиши, Гаити аҳолисининг олам ҳақидаги тасаввуридан, тўқима ва ҳақиқатнинг қоришма тарзда тақдим этилганлигидан далолат беради. Воқеаларни бундай – икки хил тафаккур орқали тасвирлаш услубини ёзувчининг “Йўқотилган излар”, “Маърифат асри”, “Айланиш услуби” каби асарларида ҳам кўриш мумкин. Мазкур романларда реализм рамзий маъноли миллий урф-одатларга асосланган фольклор ва мифлар уйғунлигида акс этган. Реализмнинг “сеҳр” билан уйғун ифодаланишига асосланган Карпентьер услубига яқин услуб гватемалалик ёзувчи Мигель Анхель Астуриас асарларида давом этади.

1949 йили Мигель Анхель Астуриас “Маис одамлари” (*Hombres de maíz*, 1949) романини чоп эттирди. Романда муаллиф асрлар давомида босқинчилардан зулм кўрган гватемала халқининг тарихига мурожаат

¹ Малининг жанубий Шарқида яшайдиган миллат номи.

қилади. Зулмни, хўрликни енга олган Лотин Америкаси ўз мутафаккирлари ва ижодкорлари қиёфасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлигини англадилар. Лотин Америкалик ёзувчиларнинг миллат тарихига мурожаат этиши иккинчи жаҳон урушидан кейин содир бўлган миллий озодлик жараёнлари билан боғлиқдир. Миллат тарихига бўлган қизиқиш илк мистик реализм йўналишига мансуб асарларнинг белгиларини ташкил этди. Адабиётшунос С. Слемон фикрича, мустамлакачилик тузумидан кейинги даврда яратилган асарларнинг асосий хусусияти тарихнинг ёритилишидандир, романлар метафорик тарзда мустамлакачилик жараёнини ва унинг оқибатларини тасвирлайди (11, 411).

Мигель Анхель Астуриаснинг “Маис одамлари” романи нафақат ҳиндулар қабиласи бошлиғининг ҳаёти ва кураши ёки бошқа қаҳрамонлар тақдири ҳақида ҳикоя қилади, балки янги ерларни ўзлаштириш мақсадида бостириб келган европаликлар ва маҳаллий туб аҳоли саналган ҳиндулар орасидаги кўп асрлик низоларни акс эттиради. Таъкидлаш жоизки, бундай муаммо ижтимоий-тарихий ромanning асосини ташкил этади. “Маис одамлари” романида Астуриас бош қаҳрамонлар – мая қабиласи ҳиндуларининг мифологик онги талқинида тарихий воқеаларни метафорик тарзда ифодалайди. Романда реаллик ва миф шунчалик уйғунлашганки, туб аҳолининг мулоқот тили асар тилига сингиб кетган. “Сенинг айбинг туфайли, Гаспар Илом, мен, Илом ери, кўзимни юма олмайман. – айбинг туфайли, Гаспар Илом, мени, Илом ерини, қовоқларимни болта билан уришяпти... – Айбинг туфайли, Гаспар Илом, мени, Илом ерини, ойни урган олов билан киприкларимни куйдиришяпти” (8, 10). Ромanning илк саҳифалариданоқ ўқувчи мая ҳиндуларининг оламни афсонавий-сеҳрли тарзда идрок этишига, уларнинг тасаввурларига гувоҳ бўлишади. Уларнинг мана шу тасаввурида ер нафақат қалбга, балки инсон юзига (кўзлар, қовоқ, киприклар) ва овозга эга. Ер кўрган ва эшитганларини ўзи ҳикоя қилади: “бошқача одамлар қадимги сейб дарахтларини йўқ қилиш учун оташ ва болталар билан келишди” (8, 10). “Бошқача одамлар” – мазкур парчада босқинчилик мақсадида ҳиндулар ерига бостириб келган саркарда Годойнинг одамлари, яъни испанлардир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ёзувчини мазкур романи яратишда “Эль Импарсиал” газетасида ҳиндулар раҳбари Гаспар Илом ҳақидаги мақола илҳомлантирган (9, 25). Шу боис, бош қаҳрамон тақдири аллюзия эмас, балки маълум тарихий персонаж тақдиридир. Саркарда Годой ва Гаспар Илом биргаликда ўз ҳалқининг моддий ва маънавий қадриятларини, бойликларини ҳимоя қилишади. Роман иккита тараққиётнинг, икки хил тафаккурнинг: мая қабиласининг аграр жамияти ва саноатлашган Ғарб жамияти тўқнашувини тасвирлайди. Ҳинду қабиласининг раҳбари Гаспар Илом ҳалқининг табиат билан уйғунликда яшаш, ердан энг кичик миқдорда фойда олиш каби муқаддас бурчини ҳимоя қилади: “овқат учун маис² етиштирсанг, у инсон учун маисдан яратилган муқаддас ҳисобланган озуқа. Маисни сотиш учун етиштирсанг – у инсон учун очликни англади” (8, 10). Роман сарлавҳаси ҳам маис номи билан аталган, асардаги эпизодларда ҳиндулар эпоси “Пополь Вух” эпизодлари ва мотивларини қузатишимиз мумкин. Айниқса, “Пополь Вух”да келтирилган афсонага кўра инсоннинг яратилиши, яъни Худоларнинг

² Маис – маккажўхорининг қадимий номи. Лотин Америкаси ҳинду қабилалари учун маис муқаддас озуқа ҳисобланган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида у ўзининг ҳиндулар берган қадимий маис номи билан аталади.

илк ота-онани маккажўхоридан яратганлиги ҳақидаги миф роман эпизодларига сингдирилган. Муаллиф ҳинду қабилаларининг маисни ўз танасидек кўриши, уни муқаддас деб билиши, фақат ҳаётий эҳтиёж микдорида етиштириш ва истеъмол қилиш каби анъаналарга содиқлигини таъкидлайди. Босқинчи европаликларнинг дунёқарашида эса моддий қизиқиш устунлик қилади ва у романнинг асосий конфликтини ташкил қилади. “ҳамма нарса маисдан ташкил топган – ҳатто фарзандларининг танаси ҳам маисдан яралган, ўликлар суяги, кули ҳам маисдан иборат, ҳатто аёл танаси, донлар ҳам” (8, 10). Романнинг образлар системаси мистик реализм асарларига хос бўлган мифларга асосланган, шу боис, олд планга ернинг, маиснинг, инсон ва табиат бирлигининг тасвири чиқади. Ҳикоя қилиш услуби ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Кутилмаган образларнинг пайдо бўлиши, такрорлаш, жонлантириш, параллелизм реал ва иллюзиянинг сирли уйғунлигини ҳосил қилади: “куёш каби ёнаётган ернинг сўзлари, олов, осмоннинг, ўрмоннинг, дарёнинг сариқ куёнлари кулоқларини деярли ёқиб юборди; бироқ, Гаспар ер қаердан тушиб келаётган бўлса, ўша ерда ерга айланарди, Иломнинг иссиқ заминиди, куёш, олов каби нурида уйқуга кетарди” (8, 10). Образларнинг тартибсиз уйғунлигини ифодалаган мазкур парча босқинчиларнинг келиши билан пайдо бўлган ички низони, тарқоқликни англатади. Ёзувчи европаликларнинг нафақат маҳаллий аҳолининг патриархал турмуш тарзи, балки уларнинг маданияти ва умуман табиатига кўрсатган салбий таъсирини моҳирона тасвирлайди. Астуриас учун табиат ва инсон унсури ажралмас бирликни ташкил қилади. Гаспар бутун бир дарё сувини ичиб заҳардан ўлимни енгади, унинг олдида ерини ва қабиласини қутқариш вазифаси турибди, ўлим эса уни дарёда кутади: “У сув уни тирилтиришини ва заҳардан қутқаришини, жонини олиб душман ўқидан ҳимоя қилишини ҳам биларди” (8, 10). Астуриас асарнинг фольклор элементларини кучайтиради: ҳатто ўлимдан кейин бош қаҳрамонни ва унинг халқини енгиб бўлмайди, уларнинг ҳаёти энди ўзгача меъёрларда ўлчанади: “уларни бўлақларга бўлиб ташлашди, аммо бўлақлар бирлашиб ҳаракатга келди, ҳар бир куённинг бир бўлагига жон кирди, барча бўлақлар жодугарга айланди, қонли бўлақлардан ҳосил бўлган жодугарга, ва барча жодугарлар бир овозда кўп қўлли махлуқ тилида “ўрмон ёнғини босқинчиларни еб ютади!” деб таъкидлашди” (8, 10). Мистик тарзда лаънат амалга ошди: Томас Мачохон, унинг хотини Вака Мануэла, полковник Годой босқинчилар қаторида хоинлиги учун ёниб кул бўлишди.

Роман қаҳрамонларини нафақат ҳиндулар, балки немис ва испан миллатига мансуб образлар, персонажлар ҳам ташкил этади. Астуриас мунтазам равишда воқеаларни рационал ва мифологик талқинларда турли йўллар билан тақдим этади. Романда воқеалар талқинини тушуниш учун деталлар етишмаси-да, икки хил талқин бир хил аҳамиятга эгадир, аммо, муаллиф нуқтаи назарида воқеаларни мифологик тарзда ифодалаш кўпинча афзалроқ кўринади. Жумладан, асарнинг мистик реализм намунаси ҳисобланган “Койот – хат ташувчи” номли сўнгги бобида бир-бирига қарама-қарши икки талқинни кузатиш мумкин. Китобхон Сан-Мигель шаҳарчаси аҳолисининг ҳар қандай фикрига қўшилиши мумкин. Аҳолининг фикрича, Ничо Акино қочиб кетган, хизмат бурчидан бош тортган, ёки Гватемала ҳиндуларининг ҳар бир инсоннинг эгизаги бор деган эътиқодига кўра, у ўзининг нагуалига, яъни ҳайвон қиёфасидаги эгизагига айланган. Ёзувчи ҳар икки талқинни тасдиқлаш мақсадида далиллар келтиради. Биринчидан, Акино

яхшигина микдордаги пул билан ғойиб бўлади, шу боис маҳаллий аҳоли уни ўғирликда айблайди. Бунинг устига уни хотинининг ўлимида ҳам гумон қилишади. Иккинчидан, Акино ўз айбини англаган ҳолда жавобгарликдан қўрқиб қочқоқдек яширинади. Бошқа тарафдан, Акинонинг койотга айланишини ва хотинини ер остидан излашини реал факт сифатида қабул қилишимиз мумкин. Ер ости оламида Гаспар Илом билан хиндулар ери учун ёнма-ён курашган ва қирғинли жангда омон қолган коҳин, унинг ҳамкорига айланади. У Акинонинг қаршисида нагуали – Етти Замин Кийиги қиёфасида пайдо бўлади ва уни кўлидаги юкидан кутулишга мажбур қилади, яъни рамзий маънода маяларнинг муқаддас ерига Ғарбнинг таъсирини ўтказишга йўл қўймасликни англатади. Койотга айланиш маросимини ўтказган Ничо Акино койот қиёфасида муқаддас сирдан огоҳ бўлиш имкониятига эга бўлади: унга оқ танлилар эгаллаши мумкин бўлмаган билимларга, сирларга эшиклар очилади. Аждодларининг муқаддас ғорида у нафақат хотинининг ғойиб бўлиши сабабини, балки ота-боболарининг мифологик тарихини ҳам билади. Астуриаснинг мазкур романи мистик реализм аънаналарини акс эттирган бадий асар сифатида баҳоланди. Ёзувчининг ўзи ҳам роман “Пополь Вух” эпосига асослангани боис ижодини мистик реализмга мансуб деб таъкидлади. “Мистик реализм хиндуларга хос менталитетга боғлиқ. Хиндулар ҳодисаларни ва нарсаларни бошқа меъёрлар билан ўлчайди, уларнинг фикрлашларида реалликни кўрмайсиз, тушлар образларга айланади. Хиндуларнинг фикрлашлари образларга тўла” (6, 93).

Хулоса. Алехо Карпентьер ва Мигель Анхель Астуриас реализм методи доирасида қолсалар-да, уни рационал дунёқарашга хос образлар билан бойитди ва муайян маънода реалликни рационал даражада англашни инкор этмадилар. Уларнинг асарларидаги фантастикага хос белгилар олами бошқача идрок қилишга асосланади, яъни унда ҳақиқатни акс эттириш ва баҳолашда миллий тафаккур асосий мезонга айланади. Асарлар таҳлиliga кўра шундай хулоса қилиш мумкинки, Лотин Америкаси адибларининг мистик реализми бу классик реализм таҳлиliga, ижтимоий танқид ва сатира, тарих, фольклор ва мифология элементларига асосланган мураккаб, кўпқиррали ҳодисадир. Мистик реализм аънаналари Лотин Америкаси романининг реал воқеаларни тасвирлашдаги янгича ёндашуви миллийликни фольклор аънаналарига, баъзан эса Европа авангардизм аънаналарига таянган ҳолда тараннум этишида ўзига хос бирлаштирувчи хусусият сифатида шаклланди. Шу боис, Лотин Америкаси адабиёти ўзининг мистик реализм вариантга эга деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bethell L. The Cambridge History of Latin America. — New York: Cambridge University Press, 1995. — 645 p.
2. Cooper B. Magical realism in West African fiction: Seeing with a Third Eye. — New York: Routledge, 1998. — 250 p.
3. Faris W. B. Ordinary Enchantments: Magical Realism and the Remystification of Narrative. — Nashville: Vanderbilt University Press, 2004. — 323 p.
4. Flores A. Magical Realism in Spanish American Fiction // *Magical Realism: Theory, History, Community*. — Durham: Duke University Press. — 1995. — P. 109–118.
5. Hegerfeldt A. C. Lies that Tell the Truth: Magic Realism Seen through Contemporary Fiction from Britain. — Amsterdam: Rodopi, 2005. — 383 p.
6. Larson R. Fantasy and Imagination in the Mexican Narrative. — Phoenix: Arizona State University, 1977. — 154 p.
7. Martin G. Introduction // *Men of Maize*. — London: Verso, 1988. — P. 5–21.

8. Miguel Angel Asturias. *Men of Maize*. — Pittsburgh: University of Pittsburg Press, 1993. — 504 p.
9. Prieto R. *Miguel Angel Asturias's Archaeology of Return*. — New York: Cambridge University Press, 1993. — 307 p.
10. Schroeder Sh. *Rediscovering Magical Realism in the Americas*. — Westport: Greenwood Publishing Group, 2004. — 183 p.
11. Slemon S. *Magical Realism as Postcolonial Discourse // Magical Realism: Theory, History, Community*. — Durham: Duke University Press, 1995. — P. 407–426.
12. Гугнин А. А. Магический реализм в контексте литературы и искусства XX века (Феномен и некоторые пути его осмысления). — Москва: ИЦ славяно-германских исследований ИСл РАН, 1998. — 117 с.
13. Земсков В. Б. Творческая индивидуальность и традиция в латиноамериканской литературе // *История литератур Латинской Америки. Очерки творчества писателей XX века*. Кн. 5. Отв. ред. В. Б. Земсков, А.Ф. Кофман. — Москва: ИМЛИ РАН, 2005. — С. 5-15.
14. Карпентьер А. Предисловие к повести «Царство земное» // *Писатели Латинской Америки о литературе*. — Москва: Радуга, 1982. — С. 49–53.
15. Кутейщикова В. Н. Новый латиноамериканский роман. Литературно-критические очерки. 50-60-е годы. — Москва: Сов. пис., 1976. — 368 с.
16. *Литературная энциклопедия терминов и понятий / под ред. А. Н. Николюкина*. — Москва: ИПК «Интелвак», 2003. — 1600 с.
17. Цыренова Д. С. Магический реализм в творчестве Мо Яня // *Вестник Бурятского государственного университета*. — 2010. — Вып. 8. — С. 133-136.
18. Шамсутдинова Н. З. «Магический» реализм в современной британской литературе (Анжела Картер, Салман Рушди): автореф. дис. ... к.ф.н.: 10.01.03. — М., 2008. — 23 с.

References

1. Bethell L. *The Cambridge History of Latin America*, New York: Cambridge University Press, 1995, 645 p.
2. Cooper B. *Magical realism in West African fiction: Seeing with a Third Eye*, New York: Routledge, 1998, 250 p.
3. Faris W. B. *Ordinary Enchantments: Magical Realism and the Remystification of Narrative*, Nashville: Vanderbilt University Press, 2004, 323 p.
4. Flores A. *Magical Realism: Theory, History, Community*, Durham: Duke University Press, 1995, pp. 109-118.
5. Hegerfeldt A. C. *Lies that Tell the Truth: Magic Realism Seen through Contemporary Fiction from Britain*, Amsterdam: Rodopi, 2005, 383 p.
6. Larson R. *Fantasy and Imagination in the Mexican Narrative*, Phoenix: Arizona State University, 1977, 154 p.
7. Martin G. *Men of Maize*, London: Verso, 1988, pp. 5-21.
8. Miguel Angel Asturias. *Men of Maize*, Pittsburgh: University of Pittsburg Press, 1993, 504 p.
9. Prieto R. *Miguel Angel Asturias's Archaeology of Return*, New York: Cambridge University Press, 1993, 307 p.
10. Schroeder Sh. *Rediscovering Magical Realism in the Americas*, Westport: Greenwood Publishing Group, 2004, 183 p.
11. Slemon S. *Magical Realism: Theory, History, Community*, Durham: Duke University Press, 1995, pp. 407-426.
12. Guginin A. A. *Magicheskii realizm v kontekste literatury i iskusstva XX veka (Fenomen i nekotorye puti ego osmysleniya)* (Magical realism in the context of literature and art of the XX century (a phenomenon and some ways of understanding it)), Moscow: NTs slavyano-germanskiikh issledovaniy ISI RAN, 1998, 117 p.
13. Zemskov V. B. *Istoriya literatur Latinskoi Ameriki. Ocherki tvorchestva pisatelei XX veka* (The History of Latin American Literature. Essays on the work of writers of the XX century), Moscow: IMLI RAN, 2005, ch. 5, pp. 5-15.
14. Karpent'er A. *Pisateli Latinskoi Ameriki o literature* (Latin American writers on literature), Moscow: Raduga, 1982, pp. 49-53.

15. Kuteishchikova V. N. *Novyi latinoamerikanskii roman. Literaturnokriticheskie ocherki. 50-60-e gody* (A new Latin American novel. Literary critical essays. 50-60 s.), Moscow, 1976, 368 p.
16. *Literaturnaya entsiklopediya terminov i ponyatii* (Literary Encyclopedia of terms and concepts), Moscow: NPK "Intelvak", 2003, 1600 p.
17. Tsyrenova D. S. *Vestnik Buryatskogo gosudarstvennogo universiteta*, 2010, No. 8, pp. 133–136.
18. Shamsutdinova N. 3. "Magicheskii" realizm v sovremennoi britanskoi literature (*Anzhela Karter, Salman Rushdi*) ("Magical" Realism in Modern British Literature (*Angela Carter, Salman Rushdie*)): Extended abstract of candidate's thesis, Moscow, 2008, 23 p.